

## ПРЕСС-РЕЛИЗ

### 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурининг ижроси тўғрисида

Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига мамлакатимиз саноат салоҳияти самарадорлигини янада ошириш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан 2015 йил 6 марта 2313-сонли Президент қарори қабул қилинган. Унда 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Мазкур қарор билан қабул қилинган муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи ҳисобланиб, у ўз ичига қуйидаги мақсад ва вазифаларни қамраб олган:

- истеъмолчиларга электр энергиясини ишончли тарзда ва муентазам етказиб беришни таъминлашга йўналтирилган, энг аввало, қишлоқ жойларда электр таъминотининг паст кучланишли тақсимлаш тармоқлари ва обьектларини тўла қамровда модернизациялаш;

- мамлакатнинг иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида илгор ахборот технологиялари ва коммуникация тизимларини, замонавий дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш, фойдаланувчиларнинг интернет тармоғига уланишнинг техник имкониятларини ошириш, телефон алоқаси, телевидение ва радиоэшиттиришнинг рақамли тизимиға тўлиқ ўтқазиш;

- темир йўллари ва ҳаво йўллари транспортининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, йўловчилар ва юкларни ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, республиканинг йирик шаҳарларини ўзаро туташтирувчи замонавий юқори тезланувчи электропоездлар ҳаракатини йўлга қўйиш, Тошкент шахри ва вилоятлар марказларида аэропорт инфратузилмасини қуриш ва қайта таъмирлаш;

- Ўзбек миллий автомагистрални таркибига киравчи автомобиль йўллари қисмларини қайта таъмирлаш орқали уларни юқори халқаро стандартлар талаблари даражасига етказиш;

- республика аҳоли пунктларини ичимлик сув таъминоти ва санитария тозалаш тизимларининг қамровини кенгайтириш ҳамда уларни модернизация қилиш, барча жойларда ичимлик сув сарфини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган биллинг тизимини жорий қилишдан иборат.

Айтиш жоизки, ушбу Дастур доирасида 2015-2019 йилларда 150 та инвестиция лойиҳалари бўйича 9,8 млрд. доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Ушбу Дастурнинг амалга оширилиши натижасида:

- 5,5 мингдан зиёд трансформатор пунктлари ҳамда 25 минг километрдан ортиқ электр тармоғи линиялари қурилади ва қайта таъмирланади;

- миллий мобил алоқа оператори тармоғи яратилади, 12 минг километр оптик толали алоқа тармоғи қурилади, коммутация марказлари модернизация

қилинади, рақамли телевидение тармоғини кенгайтириш орқали республиканинг энг чекка ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари қамраб олинади;

- 885 километрлик темир йўллари электрлаштирилади (Самарқанд-Бухоро, Мароқанд-Қарши, Қўқон-Андижон участкалари), 2 та юқори тезликда харакатланувчи Talgo-250 русумидаги поезд харид қилинади;

- “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси парки тубдан янгиланиб, 2 та “Ми-8 МТВ-1” русумли вертолет ҳамда 2 та “Boing 787-800” русумли самолёт олиб келинади, Тошкент шаҳри аэропортида “Тошкент-4” янги йўловчи терминали қурилади, Термиз ва Нукус шаҳарлари аэропорти бинолари қайта таъмирланади;

- Андижондан Қўнғиротгача, Самарқанддан Термизгача, Қаршидан Шаҳрисабзгача бўлган йўналишларда қарийб жами 2700 километр автомобиль йўллари қурилади ва қайта қурилади;

- 8600 км. ичимлик сув тармоқлари ва 358 км. санитария тозалаш (канализация) тармоқлари қайта қурилади ва модернизация қилинади.

Бугунги кунга келиб ушбу Дастур доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Мароқанд-Қарши ва Самарқанд-Бухоро темир йўл участкалари электрлаштирилиб, мазкур йўналишларда юқори тезликда харакатланувчи электрпоезд қатнови йўлга кўйилди;

- “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси учун 1 та “Ми-8 МТВ-1” русумидаги вертолет ҳамда 1 та “Boing 787-800” русумидаги самолёт харид қилиниб, фойдаланишга топширилди;

- 376 км. автомобиль йўллари қайта таъмирланди.

Ушбу Дастурда белгиланган лойиҳаларнинг бажарилиши бўйича жорий йилнинг охиригача қуйидаги ишлар амалга ошириш кутилмоқда:

302 та трансформатор пункти ва 320 километрлик электр тармоғи қурилади; битта юқори тезликда харакатланувчи Talgo-250 русумидаги поезд харид қилинади; “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси учун иккинчи “Boing 787-800” русумидаги самолёт келтирилади.

Бундан ташқари, 512 километрлик автомобиль йўллари қайтадан таъмирланади, шунингдек А-380 автомобиль йўлиниң Бухоро-Тўрткул йўналишида 125 километр, М-39 трактининг Ғузор-Термиз йўналишида 50 километр, М-37 трактининг Самарқанд-Навоий йўналишида 16,7 километр масофадаги йўллар қурилиши якунланади.

Шундай қилиб, 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурининг ижроси натижасида юртимиз саноат салоҳияти самарадорлиги янада юксалиб, унинг жадал ривожланишига туртки бўлади. Илгор йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг барпо этилиши эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва технологик янгилашга кенг шароит яратади. Бунинг самараасида ташкил этиладиган иш ўринлари бандликни таъминлашда муҳим омил бўлади. Ичимлик суви ва электр энергияси тармоқларининг модернизация қилиниши аҳоли фаровонлигини, ҳаёт сифатини янада оширишга хизмат қиласи.